1925-YILDAN CHIQA BOSHLAGAN

O‘ZBEKISTON YOSHLAR ITTIFOQI

Biz — kelajak bunyodkorimiz!

# YOSHLAR OVOZI

2018-YIL 15-FEVRAL, PAYSHANBA

19 (16176)

www.yoshlarovozi.uz
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

O‘zbekiston yoshlar ittifoqining ijtimoiy-siyosiy, iqtisodiy, adabiy-badiiy gazetasi

## ТАЖРИБА ВА ҲАМКОРЛИК

### тараққиётга хизмат қилади

УЗБЕКСКО-РОССИЙСКИЙ молодёжный форум

Ўзбекистон — Россия II ёшлар форуми давом этмоқда.

Куни кеча меҳмонлар пойтахтимиздаги "Ground Zero" коворкинг марказида ташкил этилган "Ўзбекистон ва Россия ёшлар тадбиркорлиги" мавзуидаги давра суҳбатида иштирок этди. Тадбирда ёшларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасига жалб этиш учун яратилган шароитлар хусусида сўз юритилди.

— Тадбиркорлик экотизимини ривожлантириш давлат иқтисодиётини ҳам юксалтиради, — дейди Халқаро бизнес ва технологиялар ассоциацияси ижрочи директори Шуҳрат Азимов. — Давра суҳбати форум иштирокчиларига ўзаро тажриба алмашиш имконини берди. Келгусида россияликлар билан бу борадаги алоқаларни кучайтиришга келишиб олдик.

(Давоми 2-саҳифада)



Р.НАЗАРМАТОВ

## МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ – ЭРТАНГИ КУНИМИЗГА ЗАМИН

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 14 февраль куни мактабгача таълим тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш бўйича кўрилаётган чора-тадбирлар натижадорлиги таҳлилига бағишланган видеоселектор йиғилиши ўтказилди.**

Давлатимиз раҳбари ёш авлод тарбиясининг биринчи ва муҳим бўғини бўлган мактабгача таълим тизимини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратмоқда. 2017 йил 16 август ва 19 октябрь кунлари бўлиб ўтган йиғилишларда бу масала атрофлича муҳокама қилинган эди. 2017 йил 30 сентябрда Президентимиз томонидан "Мактабгача таълим тизими бошқарувини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармон ҳамда "Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида"ги қарор қабул қилинди. Давлатимиз раҳбарининг ҳудудларга ташрифлари чоғида ўтказилган мажлисларда ҳам бу борада кўплаб вазифалар белгилаб берилди.

Йиғилишда жойлардаги мактабгача таълим муассасаларининг аҳволи, соҳадаги ишларни жадаллаштириш чора-тадбирлари муҳокама қилинди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев бу тизимни чуқур таҳлил қилиб, шу пайтгача назардан четда бўлган энг кичик жиҳатларигача эътибор қаратди.

Дастлаб бу масалада Андижон, Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Жиззах вилоятларида ўтказилган ўрганишлар натижаларига эътибор қаратилди. Масалан, Андижон вилоятидаги 87 та маҳаллада биронта ҳам болалар боғчаси йўқлиги, 84 та боғча филиалини мустақил муассасага айлантириш ёки давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат боғчаларини ташкил этиш бўйича туман ҳокимликлари томонидан аниқ чоралар белгиланмагани танқид қилинди.

(Давоми 2-саҳифада)

## КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ ТИЗИМИДАГИ ИСЛОҲОТЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Умумий ўрта, ўрта махсус ва касб-ҳунар таълими тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони

### ҚАНДАЙ МУАММОЛАР МАВЖУД?

- Касб-ҳунар коллежлари аҳоли яшаш жойларидан узоқда жойлашган.
- 31 та коллежда ўқув устахоналари умуман мавжуд эмас.
- Ўқув адабиётлари етишмайди, амалдаги дарсликлар бирор марта янгиланмаган.
- Қабул квоталарини белгилашда ҳудудлардаги иқтисодий тармоқларнинг реал эҳтиёжларидан ортда қолиняпти.
- Ишлаб чиқариш амалиётида камчиликлар бор. Шу боис битирувчилар керакли малакага эга бўлолмай, иш топишда қийналмоқда.

### НИМА ЎЗГАРАДИ?

**2018/2019 ЎҚУВ ЙИЛИДАН**

Барча турдаги мактаблар ҳамда академик лицейлар 11 йиллик бўлади.

**ҲАММА ЎҚИШИ МУМКИН!**

Эндиликда коллежда нафақат мактаб битирувчилари, балки маълумоти ва ёшидан қатъи назар, барча фуқаролар ўқишга ҳақли.

**ТАЪЛИМ МУДДАТИ 2 ЙИЛГАЧА**

2019/2020 ўқув йилидан бошлаб касб-ҳунар коллежларида таълим 6 ойдан 2 йилгача олиб борилади.

**КОЛЛЕЖЛАР ТАРМОҚЛАНАДИ**

Хусусий сектор учун кадрларни мақсадли тайёрлайдиган кўп тармоқли касб-ҳунар коллежлари ташкил қилинади.

**ХОРИЖДАН ЎҚИТУВЧИЛАР ТАКЛИФ ҚИЛИНАДИ**

**ТАЪЛИМ ШАКЛЛАРИ КЎПАЯДИ**

Келгусида коллежларда кундузгидан ташқари, сиртқи, масофавий ва уйғунлаштирилган таълим йўналишлари очилади.

**МОДДИЙ-ТЕХНИК БАЗА ЎЗГАРАДИ**

Коллежларда янги ўқув-лаборатория ускуналари ва компьютер техникасидан ташқари, инновацион технологияларга асосланган парклар ҳам пайдо бўлади.

**ЯНГИ ЙЎНАЛИШ ВА МУТАХАССИСЛИКЛАР ҲАР ЙИЛИ ОЧИЛАДИ**

**МУТАХАССИСЛАР БУЮРТМА АСОСИДА ТАЙЁРЛАНАДИ**

Ҳар қайси коллеж муайян вазирлик, идора, хўжалик бирлашмаси, тижорат банки ёки йирик корхонага бириктирилиб, мутахассис-кадрлар бевосита уларнинг буюртмаси асосида тайёрланади.

**3 ЙИЛ ИШЛАБ БЕРИШ ШАРТ**

Коллежда давлат гранти асосида ўқиган битирувчи эгаллаган касби бўйича ўзи истиқомат қиладиган ҳудудда камида уч йил ишлаб бериши керак.

**ГРАНТ ВА КОНТРАКТ ЖОРИЙ ҚИЛИНАДИ**

Ўқиш муддати 1,5–2 йиллик бўлган коллежларда ўқувчиларнинг бир қисми грант, қолгани контракт асосида таҳсил олади.

**Лекин**

Кам таъминланган оилалар фарзандлари бепул ўқийди.

**ПУЛИНИ ИШ БЕРУВЧИ ТЎЛАЙДИ**

6 ойдан 1 йилгача бўлган касбий таълим дастурлари буюртмачи корхона, идора ёки ташкилот томонидан молиялаштирилади. Буюртмачиси бўлмаган шахслар тўловни ўз ҳисобидан амалга ошириши керак.







**» ESHITDINGIZMI?**

## Бир кундан кейин "SPARK" СОҲИБИ АНИҚЛАНАДИ

Тошкент шаҳрида 14-19 ёшли ўқувчилар ўртасида "Ёш китобхон" республика танловининг якуний босқичи бўлиб ўтмоқда.

Унда барча ҳудудлардан сараланган биттадан билимдон ғолиблик учун баҳс олиб боряпти. Иштирокчилар тўртта шартдан муваффақиятли ўтиши керак.

1-ўрин соҳиби Президент совғаси — "Spark" автомобили билан тақдирланади.



## МАМЛАКАТИМИЗДА ИЛК БОР

### жигар трансплантацияси амалга оширилди



Мураккаб жарроҳлик амалиёти Академик В.Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган илмий-амалий хирургия маркази директори, академик Феруз Назиров ҳамда Академик В.И.Шумаков номидаги Трансплантология ва сунъий аъзолар Миллий тиббий тадқиқот маркази (Россия) директори, академик Сергей Готье раҳбарлигида бажарилди.

## ЯНГИ КУТУБХОНАЛАР

### ҳадемай, Нукус шаҳри, Тўрткўл, Элликқалъа, Кегейли туманларида ташкил қилинади

Зиё масканлари кўзи ожизлар учун мўлжалланган. Улар маданият ва аҳоли дам олиш марказлари биносида жойлаштирилиб, гапирувчи, текис босмали ҳамда Брайль шрифтидаги адабиётлар билан таъминланади.



**Шунингдек,**



яқинда Қорақалпоғистон Республикаси марказида "Хавфсиз шаҳар — хавфсиз мамлакат" концепцияси доирасида отлиқ ва велосипедли патруль хизмати йўлга қўйилди.

**Ўз ахборотимиз.**

# МАКТАБГАЧА ТАЪЛИМ – ЭРТАНГИ КУНИМИЗГА ЗАМИН

*(Бошланиши 1-саҳифада)*

Вилоятда мавжуд 451 та мактабгача таълим муассасасидан 200 тасида озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун махсус омбор йўқ, совуткич, шкаф ва стол-стуллар етишмайди. Шунингдек, ҳанузгача 123 та боғчага ичимлик суви ташиб келтирилади, 71 тасининг атрофи ўралмаган, 134 тасида мусиқа хоналари жиҳозланмаган, 420 тасида кичик кутубхоналар ташкил этилмаган.

Шундай камчиликлар Наманган, Самарқанд, Фарғона ва Жиззах вилоятларида ҳам кузатилган.

Барча ҳудудларда учрайдиган бу каби камчиликларни босқичма-босқич бартараф этиш, мактабгача таълим муассасаларини яхшилаш мақсадида давлатимиз томонидан катта маблағ ва ресурслар йўналтирилмоқда. 2018 йил учун тасдиқланган Инвестиция лойиҳалари рўйхатига мувофиқ, 771 миллиард сўм бюджет маблағлари ҳисобидан 60 та боғча янгидан қурилади, 295 таси реконструкция қилинади ва 176 таси мукаммал таъмирланади.

Йиғилишда жорий йилда давлат мактабгача таълим муассасалари қуриш, таъмирлаш ва жиҳозлаш бўйича манзилли рўйхатни тасдиқлаш, болалар боғчаларининг моддий-техник ҳолатини ўрганиб, мебель, ошхона жиҳозлари, ўйин майдончалари ва спорт инвентарларига бўлган талабни аниқлаш ҳамда яқин 2 йилда мамлакатимиздаги барча боғчаларни жиҳозлаш бўйича ҳужжатларни тайёрлаш зарурлиги таъкидланди.

Янги қуриладиган ва реконструкция қилинадиган боғчаларнинг лойиҳа-смета ҳужжатларини сифатсиз тайёрлаш, қурилиш ва таъмирлаш ишларини охирига етказмаслик, баъзиларини таъмирламасдан қолдириб кетиш ҳолатлари кўп учраётгани танқид остига олинди.

Масалан, ўтган йили Хоразм вилояти Урганч шаҳридаги 14-боғчада қурилиш-таъмирлаш ишлари сифатсиз бажарилган, муҳандислик тармоқларига тўлиқ уланмаган, жиҳозлар тўлиқ етказиб берилмаган. Қашқадарё вилоятининг Миришкор туманидаги 3-, Нишон туманидаги 20-, Косон туманидаги 32-боғчада таъмирлаш ишлари ниҳоясига етказилмаган. Бухоро шаҳридаги 3-, Бухоро туманидаги 19-, Ромитан туманидаги 11-, Қоракўл туманидаги 7-боғчаларда пардозлаш ишлари сифатсиз бажарилган, жиҳозларнинг 50 фоизи етказиб берилмаган. Кўплаб лойиҳаларда назарда тутилмагани сабабли боғчалар ҳудудини ободонлаштириш, атрофини ўраш, ташқи коммуникация тармоқларига улаш ишлари бажарилмай қолмоқда.

Бу каби камчиликларни бартараф этиш учун ҳокимликлар, Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига тегишли топшириқлар берилди. Мактабгача таълим муассасаларининг лойиҳа-смета ҳужжатларида ёрдамчи биноларни ҳам таъмирлаш ва жиҳозлашни назарда тутиш, уларни аҳоли учун қулай ва муҳандислик-коммуникация тармоғи мавжуд ҳудудларга жойлаштириш зарурлиги қайд этилди. Намунавий лойиҳаларни қайта кўриб чиқиб, янги қуриладиган боғчалар учун сарфланадиган харажатларни арзонлаштириш вазифаси қўйилди.

Навбатдаги муҳим масала, деди Шавкат Мирзиёев, давлат-хусусий шериклик асосида нодавлат боғчалар тармоғини кенгайтиришдир. Ҳудудларга бириктирилган тижорат банклари ва тадбиркорлар томонидан 2018 йилда жами 222 минг нафар болага мўлжалланган 3 мингдан зиёд нодавлат болалар боғчасини ташкил этиш режалаштирилган. Шундан 1 минг 200 таси янги қуриладиган бинода, 1 минг 360 таси мавжуд биноларда ва 470 таси уй боғчаси сифатида ташкил этилади.

Жойларда бу борада қатор ишлар бошлангани, лекин Қорақалпоғистон Республикаси, Хоразм ва Навоий вилоятларида суст бораётгани қайд этилди. Айрим раҳбарларнинг узоқни кўра олмаслиги ва давлат сиёсатини тушунмаслиги оқибатида ишлаб турган давлат боғчаларини хусусийлаштириш ва тадбиркорларга бериб юборишга уриниш ҳолатлари кузатилмоқда. Бу эса аҳолининг ўринли ва жиддий эътирозига сабаб бўлмоқда.

Шу боис тадбиркорларга ишламай турган боғчаларни бериш, бинони таъмирлаб ва жиҳозлаб ишлатиш вазифасини қўйиш зарурлиги таъкидланди.

Хусусий боғча учун яхши жойдан ер, бино ва имтиёзли кредит олиб, қурилган ёки таъмирланган бинодан 1-2 йилдан кейин бошқа мақсадда фойдаланаман, деган "хомхаёл" билан юрган қўштирноқ ичидаги тадбиркорлар ҳам бор, деди Президентимиз. Шу сабабли ҳокимликлар хусусий боғчалар учун ер ва бино ажратиш, банклар эса кредит бериш тўғрисидаги ўз қарорларида бундай бинолардан камида 15-20 йил давомида боғча сифатида фойдаланиш зарурлиги тўғрисидаги шартларни назарда тутиши керак.

Давлат-хусусий шериклик асосида хусусий боғчалар ташкил этиш бўйича ҳам қатор вазифалар белгиланди.

Молия вазирлигига Нодавлат мактабгача таълим муассасаларини ривожлантириш жамғармасини тузиш, Жамғарма маблағларини нодавлат болалар боғчалари учун бино ва иншоотларни харид қилиш, янгидан қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш ишларига имтиёзли ставкада кредит ажратишга йўналтириш топширилди.

Мактабгача таълим вазирлигига давлат-хусусий шериклик асосида боғчаларни ташкил этиш моделлари, давлат ва хусусий шерикнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, боғчаларни малакали кадрлар билан таъминлаш бўйича низом лойиҳасини ишлаб чиқишни тезлаштириш вазифаси қўйилди.

Ҳокимликлар ва банкларга 2018 йилда ташкил этиладиган 3 мингдан зиёд хусусий боғчанинг ҳар бири бўйича ер, бино ва кредит ажратиш, боғчаларни ишга тушириш муддатлари аниқ белгиланган жадвалларни ишлаб чиқиш ва тасдиқлатиш юзасидан кўрсатма берилди.

Ҳал этишимиз зарур бўлган яна бир муҳим муаммо, деди давлатимиз раҳбари, боғчаларда болаларни белгиланган меъёрлар асосида тўғри ва сифатли овқатлантиришни ташкил этишдир.

Афсуски, болаларга сут маҳсулотлари ва мева тасдиқланган нормадан кам миқдорда берилмоқда, балиқ маҳсулотлари эса деярли берилмаяпти.

Йиғилишда бу борада берилган топшириқларга мувофиқ, болаларни сифатли овқатлантириш, кўрпа, ёстиқ ва чойшабларини белгиланган муддатларда алмаштириш, дори-дармон ва ювиш воситалари учун ажратиладиган маблағлар миқдори етарли экани аниқ ҳисоб-китоб қилинади.

Мактабгача таълим вазирлиги ва унинг жойлардаги бўлинмалари раҳбарлари боғчаларда болаларнинг белгиланган меъёрлар асосида соғлом ва тўғри овқатланишини ташкил этишга шахсан масъул бўлади.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги боғчаларда таомларни тайёрлаш, озиқ-овқат маҳсулотларини қабул қилиш ва сақлашда санитария нормалари ва гигиена қоидаларига қатъий риоя этилишини назорат қилади.

Йиғилишда мактабгача таълим муассасалари тарбиячиларининг савияси, билими ва кўникмалари масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Тизимда фаолият юритаётган қарийб 60 минг тарбиячининг атиги 21 фоизи олий маълумотли, 79 фоизи эса ўрта махсус маълумотга эга экани қайд этилди.

Болалар тарбияси жараёнига ўз ишини пухта биладиган, малакали ва ҳар бир болага индивидуал ёндаша оладиган педагог-кадрларни жалб қилган ҳолда, уларни гўдаклигидан онги ва тафаккурини тўғри шакллантириб бормасак, келажакда юксак савия, билим ва маънавиятга эга бўлган баркамол авлодни тарбиялаш қийин бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Бу борадаги ўрганишлар натижасида келгуси 3 йилда мактабгача таълим тизимида 47 минг 300 дан зиёд олий маълумотли педагог кадрлар, жумладан, 28 минг 300 нафар тарбиячи, дефектолог, психолог, мусиқа раҳбарига эҳтиёж пайдо бўлиши аниқланган. Шу боис, 2018-2019 ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасаларида "Мактабгача таълим" йўналишида кундузги шаклда 3 йиллик бакалаврлар тайёрлаш тизими жорий этилади. Бунда илғор хорижий тажриба, жумладан, Жанубий Кореянинг етакчи университетлари тажрибаси асосида янги ўқув режаси ва дастурлари ишлаб чиқилади.

Шунингдек, янги ўқув йилидан бошлаб, олий таълим муассасаларида сиртқи ва кечки шаклда бакалаврлар тайёрлаш тизими йўлга қўйилади. Жорий йил март ойидан бошлаб, вилоятлардаги университет ва педагогика институтлари базасида боғчаларнинг педагог ва номутахассис кадрлари учун ярим йиллик ўқув дастурлари асосида қайта тайёрлаш курслари ташкил этилади.

Бу ҳақда сўз юритар экан, Президентимиз Жанубий Кореянинг Пучон университети билан ҳамкорликда Тошкент шаҳрида Мактабгача таълим университетини ташкил этиш зарурлигини таъкидлади.

Йиғилишда юқори малакали, олий маълумотли кадрларни рағбатлантириш, мактабгача таълим муассасалари педагог ходимларининг ойлик иш ҳақини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди. Имконияти чекланган ва жисмоний ривожланишида нуқсони бўлган болаларга мўлжалланган боғчаларнинг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ишларига ҳам эътибор қаратилди.

Муҳокама қилинган масалалар бўйича мутасадди раҳбар ва ҳокимларнинг ахборотлари тингланди.

**ЎзА**

# ТАЖРИБА ВА ҲАМКОРЛИК
## тараққиётга хизмат қилади

*(Бошланиши 1-саҳифада)*




— Бугунги кунда юртимизда Ўзбекистон капитали иштирокида олти юзга яқин тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатмоқда, — таъкидлади Россиянинг "Ювенал" масъулияти чекланган жамияти молиявий директори Филипп Маллеров. — Форумдан сўнг уларнинг сони ортишига ишонаман. Ўйлайманки, биргаликда кўплаб янги инновацион ғояларни ҳаётга тадбиқ этамиз.

Кун давомида Тошкент давлат иқтисодиёт университетида ўтказилган "Фан, таълим ва технология" мавзуидаги давра суҳбати ҳам қизғин тус олди. Делегация аъзоси Дмитрий Бункиннинг МДҲга аъзо давлатлар ўртасида ёшлар билан ишлаш соҳасида ҳамкорликни йўлга қўйишга доир таклифи барчада қизиқиш уйғотди. Шунингдек, университет талабаси Ойбек Фузайловнинг Ўзбекистон Республикасида глобал инновацион индекслар тамойилларини татбиқ қилишда ёшларнинг иштирокига доир маърузаси россияликлар эътиборини тортди. Якунда Москва вилояти ёш олимлар жамияти ҳамда Республика ёш олимлар кенгаши ўртасида ҳамкорлик меморандумини имзолаш ҳақида келишиб олинди.

Форум иштирокчилари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги давлат бошқаруви академиясида ҳам бўлиб, бу ерда фаолият кўрсатаётган Ёшлар муаммоларини ўрганиш ва истиқболли кадрларни тайёрлаш институти билан яқиндан танишди. Муассаса раҳбарияти билан учрашув чоғида ёшлар муаммоларига амалий ечим топишда ёш кадрларнинг ўрни ҳақида сўз борди.

— Малакали кадрларда гап кўп, — дейди Россия ёшлар иттифоқи раиси Павел Красноруцкий. — Мамлакатимизда Ўзбекистондан келган кўплаб ёшлар таҳсил олади. Келгусида уларнинг салоҳиятидан фойдаланиб, туризм, ишлаб чиқариш ҳамда тадбиркорликни ривожлантириш борасида ҳамкорликни йўлга қўймоқчимиз. Форум шу йўлдаги илк қадам бўлди, десам адашмайман.

Лойиҳа доирасида делегация аъзолари Ўзбекистон давлат амалий санъат музейига ташриф буюрди. Оқшомда эса, Ёшлар ижод саройида Ёшлар симфоник оркестрининг концертидан баҳраманд бўлди.

Форумнинг учинчи кунида иштирокчилар кўҳна ва боқий Бухоро шаҳрини зиёрат қилди. *(Тафсилотлар билан газетамизнинг кейинги сонида таништирамиз).*

**Санжар ЭШМУРОДОВ**
**Шаҳноза НУРУЛЛАЕВА**

**» TASHABBUS**

# ЁШ ТАДБИРКОР КУТУБХОНА ҚУРАЯПТИ

**Наргиза ҚОРАБОЕВА,**
Ёшлар иттифоқи Сурхондарё вилояти кенгаши бўлими мудири

Ёшлар иттифоқи Денов тумани кенгаши аъзоси Сирожиддин Алматовнинг мазкур ташаббуси ўзи истиқомат қилаётган Муқимий маҳалла аҳлини беҳад қувонтирди.

Тенгдошимиз фармацевтика йўналишидаги касб-ҳунар коллежини тамомлаган. 2012 йилдан буён якка тартибдаги тадбиркор. Шахсий маблағи ҳисобидан 96 миллион сўмлик харажат қилиб, қурилиш материаллари харид қилди ва икки қаватли мўъжаз кутубхонани бунёд этишга киришган.

— Маҳалламизда катта кутубхона бўлишини, ундан барча бемалол фойдаланишини истардим, — дейди С.Алматов. — Фақат хоҳишнинг ўзи кифоя эмас. Бунинг учун, аввало, шижоат ва ҳаракат керак. Ёшлар иттифоқи вилоят кенгашига ташаббусим ҳақида айтдим. Мени қўллаб-қувватлашди. Насиб этса, Наврўз байрамигача кутубхона биносини тўлиқ битказамиз. Унгача тенгдошларим кўмагида китоб йиғмоқчиман. Мактаб ўқитувчилари билан ҳам ҳамкорлик ҳақида келишиб олдим. Устозлар ёрдамида кутубхона қошида тўгараклар ташкил қиламиз.

**» ITTIFOQ KAFILLIGI OSTIDA**

# ДАЛЕР ҚИЛМИШИДАН ПУШАЙМОН

**Шаҳноза ХОЛИҚОВА**

Эл оғзида ёмонотлиқ бўлишдан ёмони йўқ. Айниқса, ҳали ўн гулингдан биттаси ҳам очилмаганида шаънингга доғ тушса, қаттиқ алам қиларкан.



Самарқандлик Далер Ашуровни Худо асради. Бўлмаса, ўйламай босилган шум қадами учун қамоқ жазосига маҳкум этилиши аниқ эди. Воқеанинг қисқача баёни шундай.

Бир куни Самарқанд шаҳри Беруний кўчасида жойлашган 43-умумтаълим мактабининг спорт майдончасида Далер таниши Далер Нуруллаев билан гапи қочиб, жанжаллашиб қолади. Икки ўспирин бир-бирини аёвсиз дўппослайди. Далер адашининг жағ соҳасига қаттиқ жароҳат етказади.

10-синф ўқувчисининг қизиққонлиги ўзи ва оила аъзоларига кўп азоб-уқубат келтирди. Натижада, навраста судланувчилар курсисидан жой олди. Сайёр суд мажлиси Далер ўқийдиган 42-умумтаълим мактабида бўлиб ўтди. Унда нафақат жабрланувчи ҳамда айбдор томон, балки таълим масканининг раҳбар ва педагоглари, кенг жамоатчилик, шу жумладан, Ёшлар иттифоқи вакиллари ҳам иштирок этди.

Суд жараёнида гувоҳларнинг кўрсатмалари тингланди, барча факт ва далиллар атрофлича ўрганиб чиқилди. Далер Ашуровга Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 105-моддаси биринчи қисми билан (қасддан баданга ўртача оғирликдаги шикаст етказиш) айб қўйилди.

Бироқ Ёшлар иттифоқи бутун ҳаёти ҳали олдинда бўлган бу йигитнинг қамалиб кетишига йўл қўймади. Ташкилот мутасаддилари авваллан судланувчи ҳақида у истиқомат қилаётган маҳалла аҳли, мактаб маъмурияти, қўни-қўшнилари ҳамда дўст-биродарларидан сўраб-суриштирган экан. Ҳеч ким Далердан шикоят қилмади. Ўқишда ўсмир ўзини интизомли, синфдошларига ғамхўр бола сифатида намоён этган. Қолаверса, футбол билан мунтазам шуғулланиб, бир қатор ютуқларни ҳам қўлга киритган. Бундай ҳолатларни инобатга олиб, Иттифоқнинг вилоят кенгаши раиси Жиноят ишлари бўйича Самарқанд шаҳар судига кафолат хатини тақдим этди. Мана шундай хайрихоҳлик туфайли Д.Ашуров жиноий жавобгарликдан асраб қолинди.

**» ANA XOLOS!**

# ҒАЗАЛ БИЛГАНГА 50 МИЛЛИОН

**Дилкушо НАВРЎЗОВА**

Навоийда 12-14 ёшли ўқувчилар ўртасида "Алишер Навоий ворислари" кўрик-танловининг республика босқичи бўлиб ўтди. Ғолибга 50 миллион сўм пул мукофоти топширилди.

Мумтоз шеъриятимиз ихлосмандлари — жами 14 нафар иштирокчи "Фарҳод" маданият саройида ғазални ёддан айтиш, ифодали ўқиш ва ёзма тарзда шарҳлаш шартлари бўйича ўзаро беллашди. Мазкур лойиҳа ёшлар ўртасида китобхонликни тарғиб этиш, ҳазрат Навоийнинг ўлмас ижодига меҳрини ошириш, улуғ шоир илгари сурган инсонпарварлик ғояларини қалбига жо айлашга хизмат қилди.



Танловнинг очилиш маросимида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, навоийшунос олимлар, кенг жамоатчилик вакиллари иштирок этди. Сўзга чиққанлар юртимизда буюк аждодлардан қолган илмий-маънавий меросни авайлаб-асраш бўйича улкан ишлар қилинаётганини қайд этди.

Назм баҳси якунига кўра, бухоролик Ситора Исоқова 1-ўринни қўлга киритди. Навоий вилояти вакили Маржона Нодирқулова 2-ўрин, фарғоналик Хосиятхон Сирожиддинова 3-ўринга лойиқ топилди.

Навоий вилояти ҳокими Қобул Турсунов ғолибларни диплом ва эсдалик совғалар билан тақдирлади.

» YOSHLARGA OID DAVLAT SIYOSATI — AMALDA

# ЭЛ ҒАМИДА СЕН ҲАМ ЯШАБ КЎР

Ўзбекистон ёшлар иттифоқининг Навоий вилояти кенгаши раиси олис туман ва овулларни кезиб, нималарга гувоҳ бўлди?

**Роҳатой ҚОДИРОВА**

Аввало эслатиб қўйилик: 2018 йил Ёшлар иттифоқи тизимида "Бошланғич ташкилотлар фаолияти самарадорлигини ошириш ҳамда жиноятчиликка қарши курашиш йили" деб эълон қилинган. Шу боис вилоят етакчиси сафари давомида айнан бошланғич ташкилотлар фаолиятини ўрганишга устувор аҳамият қаратди. Қишлоқ болаларини самимий суҳбатга тортиб, муаммою ўй-кечинмалари ҳақида ҳам сўради.

Илк манзил Томди тумани бўлди. 4- ва 6-умумтаълим мактабларига кириб, бошланғич ташкилот етакчилари билан учрашгач, хонасидаги шароитларни кўрди. Сардорлар мактабда қозоқ тилидаги адабиётлар етишмаслигини маълум қилди. Кенгаш раиси муаммони ҳал қилишга ваъда берди.

Йўлда меҳмонларга чўпон йигит — Ғалимжон Жўрабеков учради.

— 150 бош қўй, 50 туя ва 15 йилқим бор, — дейди Ғалимжон. — Тенгдошларимга ҳайронман, шунча имконият бўлатуриб ҳам иш йўқ дейди-я! Масалан, мен чорвачиликка болаликдан қизиққанман. Худога шукр, кам бўлмадим. Асосийси, эл дастурхони



тўкинлигига ҳисса қўшяпман. Шу юртда ҳам ризқ-насиба топиб, рўзғор тебратса бўлади, опа!

Чўпон бўлса ҳам фикри ғоятда теран бу йигитни бағрингга босиб, тасанно айтгинг келади. Ахир, у айрим ёшлар сингари турмушидан нолимайди. Ҳам ўзининг, ҳам ўзгаларнинг ҳаётини яхшилашга интиляпти. Ватанга ана шундай жонкуярлар керак, албатта.

Шундай ўй-хаёллар билан Учқудуқ туманига етиб келган кенгаш раиси Жамшид Хўжаев бу ерлик йигит-қизлардан ҳам ҳол-аҳвол сўради, фикр-мулоҳазаларига қулоқ тутди. Ҳатто олис овулларгача кириб борди. Тумандаги туз конларидан бирида меҳнат қилаётган ёшларнинг иш ва яшаш шароитлари билан танишди.

Шундан сўнг етакчи 6-умумтаълим мактабидаги Ёшлар иттифоқининг бошланғич ташкилоти ҳамда бир қатор спорт объектларини кўздан кечириб, ҳудуд сардорлари билан жонли мулоқотга киришди. Муаммолар очиқ-ойдин тилга олиниб, уларни бартараф этиш йўллари юзасидан таклифлар берилди. Учрашув давомида туман ҳокимлиги ҳамда Иттифоқнинг ҳудудий кенгаши томонидан кам таъминланган оилалар фарзандларига эҳсон тарқатилди. Иштирокчилар бунга жавобан ўз дил сўзларини баён этди.

— Ота-онам автоҳалокатда вафот этган, — дейди учқудуқлик ёшлардан бири Айтумар Қўнақбаева. — Шу вақтгача гўё зулмат ичида яшаб келаётгандим. Ҳаётга қизиқишим сўнган эди. Бугун эса, қалбим ёришди. Ёшлар ташкилотининг вилоят кенгаши раиси — Жамшид ака мени оталиққа олишини эшитиб, беҳад қувондим. Ишга жойлашиб, бошпанали бўлишимда ҳам Иттифоқдагилар ёрдам беришини айтди. Тўғриси, ҳозир пулдан қисилиб қолганман, ҳатто егулик олишга имконим йўқ. Буни билиб менга озиқ-овқат маҳсулотларини олиб келишди. Ғамхўрлик учун мингдан-минг раҳмат!

Самимий миннатдорлик сўзларини кўзда севинч ёшлари билан Шаҳбоз Бобомуродов ҳам изҳор этди.

— Болаликдан юра олмасдим. Мана, бир ярим йилдирки, Ёшлар иттифоқи ва устозларим кўмагида спорт билан мунтазам шуғулланиб, поуэрлифтинг бўйича Осиё чемпиони бўлдим. Энди бошқа мақсад сари чоғланганман. Орзуим — Паралимпия ўйинларига йўлланмани қўлга киритиш. Ишонаманки, ниятим, албатта, ижобат бўлади.



Ҳа, юрган — дарё, дейдилар. Халқ ғамида яшаш учун халқ ичига кирмоқ керак. Ўзбекистон ёшлар иттифоқи вакиллари ана шу тамойилга таяниб иш кўраётгани кишига мамнуният бағишлайди. Эзгу саъй-ҳаракатлар бардавом бўлсин.

» AJDODLAR YODI BARHAYOT

*Куни кеча мамлакатимизда ўзбек мумтоз адабиётининг ёрқин намояндаси Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллуд топган кун кенг нишонланди. Бу улуғ шахс қолдирган илмий-маънавий мерос биз учун бебаҳо ёдгорлик саналади. Бобур ижодига бугунги ёшлар ҳам бефарқ эмас. Уларнинг мулоҳазаларини эътиборингизга ҳавола этмоқдамиз.*

## ҲАР СЎЗИДА ЭЗГУЛИК БОР

**Моҳинур АЗИЗОВА,**
Андижон давлат университети қошидаги 4-академик лицей ўқувчиси

Дунё аҳли Заҳириддин Муҳаммад Бобурни нафақат ҳукмдор, балки беназир ижодкор сифатида ҳам танийди. Унинг адабиёт, санъат, тарих илмларига доир "Бобурнома", "Хатти Бобурий", "Ҳарб иши", "Мусиқа илми" каби асарлари бугунги кунда ҳам ўз қиммати ва аҳамиятини йўқотган эмас.



Шулар орасида, айниқса, "Бобурнома" жуда машҳур. У жаҳон маданий меросининг нодир ёдгорлиги сифатида тан олинган. Асар ноёб тарихий манба бўлиш билан бирга, миллий адабиётимизнинг дурдона намунаси ҳисобланади.

Бобур ҳаётни севган, умр ғам-алам ва қайғу-ҳасрат эмас, балки бахт-саодат, шодлик, қувонч билан ўтишини истаган. Шоир севгига инсон ҳаётининг табиий ҳодисаси, деб қарайди, ҳижрондан изтироб чекади, ёр висолига ошиқади. Аммо лирик қаҳрамон ёридан лутфу карам, вафо ва садоқат кутади, бироқ ундан нозу ишва, жабру жафо кўради:

***Меҳру вафони ағёр***
***кўп кўрди сендин, эй ёр,***
***Жабру жафони бисёр***
***қилдинг манга ҳавола.***

***Ҳажрингда, э парирў,***
***кўзумдин учти уйқу,***
***Ҳар кеча тонгға***
***текру ишимдир нола.***

Шунга қарамай, ошиқ муваффақиятсизликлар олдида таслим бўлмайди, Аксинча, тўсиқларни енгиб, сабр-матонат, вафо ҳамда садоқати билан мурод-мақсадига эришишга аҳд қилади.

Мирзо Бобур ўзи гўзал асарлар яратиш баробарида, илм-маърифат аҳлига имкон қадар ҳомийлик кўрсатгани ҳам маълум.

Бобомизнинг қайси бир рубоий ёки ғазалини олманг, барчасида чин инсоний сифатлар васф этилади, инсон яхши амаллар билан обрў-эътибор қозониши таъкидланади. Шахсан мен ушбу маънавий оламдан руҳий қувват оламан. Бобур шеърияти қалбимизда мангу яшайди.

» **BILASIZMI?**

- 1528 йилда Қобул шаҳрида Боғи Бобур бунёд этилган.
- Шарқ мемуар адабиётининг энг етук, турк насрининг энг гўзал намунаси, дея тан олинган "Бобурнома" асари 31 та тилга таржима қилинган.
- Туркияда Заҳириддин Муҳаммад Бобур шарафига почта маркалари чиқарилган.

Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг "Мушкулдур" ғазалидан туркона соддалик уфуриб туради. Шоир ундаги ҳар бир сўзни юксак дид билан қўллаган. Ғазални такрор-такрор мутолаа қилиб, янгича маъно топаверасиз.

**Суҳроб ЗИЁДОВ, талаба**

## ШОҲ ҚАЛБИНИ ЎРТАГАН ТУЙҒУ

***Агарчи сенсизин сабр айламак,***
***эй ёр, мушкулдур,***
***Сенинг бирла чиқишмоқлик***
***дағи бисёр мушкулдур.***

Ёрга интиқ ошиқнинг илтижоси Бобурнинг ватангадоликда кечган умрини ёдга солади. Унинг учун она юртидан айро яшаш жуда мушкул, лек Ватанга бормоқ ундан-да машаққатли. Ғазалнинг давомини ўқийсиз. "Мижози нозик пари", "телба ошиқ", "уйқудаги бахт" — ҳаммаси мумтоз лириканинг нафосатини намоён этаётир. Аммо тўхтайсиз.

***Менга осондурур бўлса***
***агар юз минг туман душман,***
***Вале бўлмоқ жаҳонда,***
***эй кўнгул, беёр мушкулдур.***

Тарихдан маълумки, Бобур Ҳиндистонда Иброҳим Лўдий устидан унинг армиясидан ўн баравар кам сонли аскарлари билан ғалаба қозонган. Ҳа, унга ёрсиз яшашдан кўра, юз минг кишилик қўшинни ер тишлатиш осонроқ. Лекин негадир бу "беёр"лик "беюрт"лик дегандай эшитилаверади. Сабаби бобомиз ўзга юртда қудратли қўшинни тор-мор этди-ю, бироқ ўз юртига эга бўлолмади.

Мана шу биргина ғазалда Бобурнинг шахси қанчалик мураккаб эканини кўриш мумкин.

# DUNYO BIZ HAQIMIZDA



### "FINANCIAL TIMES" Ўзбекистондаги ўзгаришларга эътибор қаратди

Буюк Британиянинг жаҳонда нуфузи юқори саналган "Financial Times" газетаси юртимизда олиб борилаётган ислоҳотларни қаламга олди.

Мақола муаллифи Найл Бакли Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг халқаро ҳамжамиятдаги ўрнини мустаҳкамлайдиган муҳим амалий қадамлар ташлагани ҳақида хабар беради. 2 минг 700 нафар судланганни афв этиш тўғрисидаги фармон шулар каторида.

Иқтисодий соҳадаги ўзгаришларга тўхталар экан, журналист, биринчи навбатда, давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 1 январдан бошлаб тадбиркорлик субъектларини режадан ташқари текширишни тўхтатишга доир ташаббусини тилга олади. Сармоядорларга солиқ имтиёзлари яратиб берувчи эркин иқтисодий зоналар фаолият кўрсатаётганини ҳам таъкидлаган.

Найл Баклининг қайд этишича, ёшлар учун иш ўринларини яратиш Ўзбекистон ҳукумати диққат марказидаги устувор масала ҳисобланади. Шу ўринда инглиз шарҳловчиси республика аҳолисининг ярмидан кўпи 30 ёшгача бўлганлар ҳиссасига тўғри келиши, ҳар йили меҳнатга лаёқатлилар контингенти 600 минг кишига кўпаяётганини эслатади.

"Financial Times"нинг хулосасига кўра, изчил тарзда олиб борилаётган ислоҳотлар мамлакатимизни тараққиётнинг янги босқичига олиб чиқади. Ажаб эмаски, келгусида Ўзбекистон Россия, Хитой ва АҚШ томонидан Евроосиё минтақаси "юраги"да устувор мавқега эга бўлиш йўлидаги "Янги катта ўйини"нинг иштирокчисига айланса, деб ҳисоблайди мақола муаллифи.

### "СИНЬХУА" позициямизни маълум қилди

Хитойнинг "Синьхуа" ахборот агентлиги ҳамда "Жэньминь жибао" газетаси Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиловнинг мазкур мамлакатга ташрифини ёритди.

Иккала оммавий ахборот воситасининг веб-саҳифаларида эълон қилинган материалларда вазирнинг хитойлик ҳамкасби Ван И билан учрашуви тафсилотлари баён этилган.

Қайд қилинганидек, музокара чоғида афғон муаммосини ҳал этиш ҳамда жорий йилнинг июнь ойида Циндаода бўлиб ўтадиган Шанхай Ҳамкорлик Ташкилоти саммитига тайёргарлик билан боғлиқ масалалар юзасидан фикр алмашилган.

"Ўзбекистон ташқи ишлар вазири ўз мамлакатининг нуқтаи назарини ифода этар экан, Тошкентда Афғонистондаги вазият юзасидан халқаро конференция ўтказишни режалаштираётганини маълум қилди. Ўз навбатида, Ван И Хитой афғон муаммосининг тинч йўл билан ҳал этилишида Ўзбекистоннинг конструктив ролини қўллаб-қувватлашини айтган", — деб ёзилади хабарларда.

Шунингдек, метариалларида Циндаода бўлиб ўтадиган ШҲТ саммити хусусида сўз юритилиб: "Томонларнинг якдиллик билан фикр билдирганидек, мазкур саммит "шанхай руҳи"ни умумлаштириш ва ривожлантиришга, ташкилотга аъзо давлатларнинг ўзаро ҳамжиҳатлигини мустаҳкамлашга хизмат қилади", дея таъкидланган.

### "NHK" ислоҳотлардан мамнун

Япониянинг етакчи "NHK" телерадиокомпанияси сайтида Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида туризмни ривожлантириш борасида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар ҳақида мақола жойлаштирилди.

Материалда Ўзбекистон раҳбарияти хорижий сайёҳлар учун виза олишда қулайликлар яратиш орқали соҳа индустриясини янада юқори босқичга кўтаришни мақсад қилгани қайд этилган.

"2018 йилнинг 10 февралидан Марказий Осиёнинг ушбу мамлакати 39 мамлакат фуқаролари учун сайёҳлик визаси олишни соддалаштирди. Қолаверса, эндиликда Япония, Исроил, Индонезия, Малайзия, Сингапур, Жанубий Корея ва туркиялик сайёҳлар Ўзбекистонда 30 кунгача визасиз қолиши мумкин", — деб ёзади сайт таҳририяти. Қўшимча қилинганидек, бундай чора-тадбирлар нафақат туризм тармоғи, балки миллий иқтисодиётнинг юксалишига ҳам хизмат қилиши шубҳасиз.

"NHK" телерадиокомпанияси позициясига кўра, 32 миллиондан зиёд аҳолига эга Ўзбекистон Марказий Осиёдаги инсон капитали бўйича йирик давлат ҳисобланади. Самарқанд, Бухоро каби тарихий шаҳарлари эса, ЮНЕСКОнинг Жаҳон мероси рўйхатига киритилган. Туризмни ривожлантириш борасида қилинган ишлар натижасида ўтган йили кунчиқар мамлакатдан республикага келувчи сайёҳлар сони илк бор 9 минг 500 нафарга етди.

NHK телерадиокорпорациясига берган интервьюсида Ўзбекистоннинг Япониядаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ғайрат Фозилов визасиз режимнинг жорий қилиниши расмий Тошкент ва Токио ўртасидаги стратегик шериклик ҳамда иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлашнинг қўшимча омили бўлиб хизмат қилишини айтган.

» YOSHLIK ILHOMI

# МУРОДБАХШ КУН

**Жамшид БЕРДИЕВ,**
**Республика ёш ижодкорлар кенгаши аъзоси**

Бундан кўп йил аввал рўй берган воқеа ҳаётимни тамомила ўзгартириб юборганди. Бугун уни қоғозга туширишга чоғландим. Шояд, сизларга ҳам ибрат бўлса.



Йигирма ёшда эдим. Билим юртини тамомлагач, иш излай бошладим. Бормаган жойим қолмади. Меҳнат инспекторига йўналтиришди. "Хабарлашиб туринг", — деди. Лекин уй ишларидан ортмасдим. Отам нуқул бекор юрганимдан нолирди.

Кунларнинг бирида дастурхон атрофида ўтирганимизда дадам: "Энди шундай юраверасанми?" — деди жаҳл билан. Дадам бир томондан ҳақ эди. Сабаби ўзи ҳеч қачон менинг ҳолатимга тушмаган. Бировнинг ёрдамисиз оёққа турган. Мен эса.

Бир ташкилотда уч ой иш ўрганиб юрдим. Лекин у ерда ҳам бўш жой йўқлиги сабаб, умидим яна сўнди. Онам мени ҳар доим эрта тонгда туришга ундарди. "Ишинг хайрли бўлади", — дерди. Мен бўлсам, уйқудан бош кўтармасдим. Ёш ва ғўр эдим-да. Эрта туришнинг нима фойдаси бор, деб юраверардим.

Ўша куни волидам мени яна эрта тонгда уйғотди. Кўзимни очсам ой ҳали қуёшга бўйин бергиси йўқ, юлдузлар қуршовида бўй кўрсатиб турибди. Юз-қўлимни ювдим-у, молхонага ошиқдим. Сут соғиладиган челакни яхшилаб ювиб, устини дока билан ёпдим. Кўзимга атроф худди янгидан яралгандай кўринарди.

**Суҳбатдошим: "Эртага ишхонага ўтинг", — деб чўнтагидан ўттиз минг сўмча пулни олиб, қўлимга тутди.**

Завқим келиб уйдан чиқдим. Адир томонга чопдим. Тепаликлардан пастлаб кўчамиз бошига етганимда бодом дўппи, эгнига бахмал чопон кийган кишига кўзим тушди. Яқинлашиб салом бердим. У менга теран боқиб, алик олди.

— Ишлар қалай, ўғлим?

— Раҳмат, амаки, бир нави.

— Қаердан келяпсиз саҳарда?

— Менми, югуришдан.

— Эҳ, яшанг, бу ишингиз яхши! Кун бўйи тетик юрасиз, толиқмайсиз. Иш ҳали ҳам ўша ташкилотдами?

Уч ой иш ўрганган идорамга ишора қилган бу одамга ростини айтишдан бошқа илож қолмади. Дардимни бировга дастурхон қилишни ёқтирмайман. Аммо ўша пайтда руҳим тушиб кетди.

— У ердан насибам узилган экан, — дедим катталарга тақлид қилиб. — Аниқроғи, иш ўрни чекланган экан.

— Ҳа, демак, ҳозир сиз ишсиз.

Негадир у мени сизлаб гапирарди. Биз ўша идорада танишган эдик. Ташкилот раҳбари керакли ҳужжатларни йиғиб келган бу амакининг масаласи билан шуғулланишни менга топширганди.

— Хоҳласангиз сизни ишга оламан. Синашта, хушхулқ йигитсиз.

Ерга қадалиб бораётган кўзларим бирдан ёниб кетди. Буни пайқаган суҳбатдошим: "Эртага ишхонага ўтинг", — деб чўнтагидан ўттиз минг сўмча пулни олиб, қўлимга тутди.

— Бу мендан янги шогирдимга туҳфа. Хижолат тортсангиз, ранжийман, — деди-да елкамга қоқди.

Индамадим. Беихтиёр лабимда табассум ўйнади, ичимга сиғмасдим. Кўзимга атрофдаги ҳамма нарса гўзал кўриниб кетди. Меҳрибонимнинг: "Эрта турган барака топади", — деган гапи қулоғим остида жаранглarди...

Шундай қилиб, мен ўттиз йилдан ортиқ бир ташкилотда ўринбосар лавозимида муқим ишладим. Орада иститутни ҳам тамомлаб олдим. Онамнинг ҳаётбахш насиҳати, ўша тонгнинг хислати мана ўттиз беш йилдирки ҳар кунимда такрорланиб келмоқда.

» NUQTAYI NAZAR

# ЎЗГАЛАР ҲАВАС ҚИЛСИН

**Акбар МУСТАФОЕВ, талаба**



Ўзбек қизлари. Уларнинг ибосию одоби бошқача. Бу гўзал маликалар мажнунтол новдаларини эслатувчи майда кокил қилиб ўрилган сочлари билан, айниқса, мафтункордир. Бугун сафингиздаги баъзи тенгдош дугоналарингиз ҳақида гапирсам сизга малол келмайдими? Ҳар куни кўзимизга тикандек ботадиган ножоиз либослар ҳақида сўз очсам, мени тўғри тушунасизми?

Таассуф, кўча-кўйда юрган айрим гулчеҳра қизларимизни бошқа миллат вакилларидан деярли ажратолмай қолдик. Назаримда, улар Ғарбнинг миллий маънавиятимизга мутлақо тўғри келмас модасига "асир" бўлмоқда. Қадди-қоматни кўз-кўз қилувчи тор шимлар, қорни очиқ кофталар, калта юбкалар... Эҳ-ҳе, айтсам тилим, айтмасам дилим куяди. Бундай беҳаё либослар азиз опа-сингилларимиз бошига



қўниб турган бахт қушининг учиб кетишига сабаб бўлмасмикан?

Инсоннинг кийиниши, ён-атрофдагиларга муносабати, маълум маънода, унинг қандай оилада тарбия топгани, ички дунёсидан дарак беради. Шундай экан, кўз ўнгимизда содир бўлаётган салбий ўзгаришлар — қизларнинг кундан-кунга "замонавийлашиб" бораётганига бефарқ қараш ярамайди. Ахир, улар бўлғуси она-ку, эртага ёш авлоднинг тарбиячисига айланади. Миллатнинг юзи бўлиш ўрнига, уни мулзам қилиб тургандан кейин, ҳолимиз не кечар экан-а?!

Фикримча, аввало, ота-оналар фарзандига эътиборлироқ бўлмоғи даркор. Вақти-вақти билан ўқиш ёки иш жойига тўсатдан кириб бориб, юриш-туришини, ким билан дугона тутинганини кўриб-кузатса, фойдадан холи бўлмайди. Истагим, ўзбек қизлари ҳар ерда ўзига ярашиб турган одоби билан одамларнинг ҳавасини келтирсин.

» MULOHAZA UCHUN MAVZU

# МАСЪУЛИЯТДАН ҚОЧМАНГ, ЙИГИТЛАР

**Салима ХОЛДОРОВА, психолог**



Қадимдан халқимиз оталарни оиланинг таянч тоғи, деб ҳисоблаган. Оиланинг шаъни, обрўси отанинг маҳалла-кўй ва қўни-қўшнилар орасидаги ўрни билан белгиланган. Бироқ ҳозир баъзи эркаклар мустақил фикрига эга эмаслиги сабаб рўзғор жиловини қўлдан чиқариб юбормоқда. Натижада, қанчалаб оилалар барбод бўляпти, болалар "тирик етим"га айланяпти.

Тарихга назар ташлайлик. Ота-боболаримиз нафақат фарзанд, балки аёл тарбиясини ҳам ўз зиммасига олгани айни ҳақиқат. Алишер Навоийнинг қуйидаги сатрларига эътибор беринг:

**Топтинг чу аёл**
**яхшилик еткургил,**
**Ўргат адабу яхши қилиқ**
**ўргатгил.**

Яъни, Ҳазрат айтмоқчики, оила сарбони жуфти ҳалолига одоб-ахлоқ, хушфеълликни ўргатмоғи керак. Ўйлаб қоламан: замонавий йигитларимиз бундай масъулиятли вазифани бажаришга қодирми? Улар турмуш қуришга тайёрми ўзи? Афсуски, ҳаммаси ҳам эмас.

Уйланган йигит кун келиб ота бўлади. Кўпинча ўғил болалар падарини дунёдаги энг кучли инсон, деб ҳисоблайди. Отаси ҳаммадан зўрлигини айтиб, кўкрак кериб юрадиганлар ҳам бор. Мана, бир мисол. Изғиринли қиш кунида қизалоғим билан боғчага шошиб кетяпман. Атрофни кузатиб бораётган уч ёшли Нозима:

— Аяжон, нега шамол йўқ? Дадам шамолни "тузатиб" қўйганми? — деб савол берди.

Нима дейишимни билмай қолдим. Инкор этсам, дадасини кучсиз қилиб кўрсатган бўламан. Бош ирғаб қўя қолдим.

Бола вояга етиб, ақлини таниган сари, отасини бошқаларнинг отаси билан таққослай бошлайди. Бироқ баъзи эркаклар ножўя хатти-ҳаракати, ноўрин гап-сўзи билан йиллар давомида фарзандининг кўз ўнгида "заифлашиб" бораверади. Ёш оталар ёки оила қуриш остонасида турган ўғилларимга қарата шундай дегим келади: азизларим, дилбандингиз сиз ҳақингизда фақат гўзал таассурот олсин. Ўқимишли, мулоҳазали бўлинг. Қудратингизни мол-дунё йиғиб ёки сохта обрў орттириб эмас, балки илму маърифат орқали намоён этинг. Мутолаани канда қилманг, болангизни китоб дўконларига олиб боринг. Ўғил ё қизингиз билан суҳбатлашишга, бирга сайр қилишга, кино ва театрларга боришга, албатта, вақт ажратинг. Токи, улар сизга доимо талпинсин!

**БОБОРАВШАН**

Оталар ҳам алла айтар эканми, дея ажабланманг. Аслида бу бор гап. Ишонмасангиз кексалардан сўранг.

# ОТАЛАР АЛЛАСИ

Илгари оталар ўғилларини, боболар набираларини тиззасида тебратиб, аллага ўхшаган бир қўшиқ хиргойи қиларди:

**Ризқ-рўзи мўл бўлсин,**
**Элим, деган ул (ўғил) бўлсин.**
**Алпомишдай шер бўлсин.**
**Ҳуё-ҳу, ҳуё-ҳу!**

Қўшиқ давомини ҳар ким кайфиятига қараб тўқиб кетаверарди. Асосийси, шу орқали болага мардлик, ватанпарварлик каби инсоний туйғулар сингдириб борилган. Бундай ажойиб анъанани бугунги оталар ҳам давом эттирса, нур устига нур бўларди.

» MUSHTARIYDAN MAKTUB KELDI

# МЕҲНАТ ҚИЛИБ, КИТОБ ОЛДИК

**Дилшодбек РАҲМАТУЛЛАЕВ,**
Яккабоғ туманидаги 13-умумтаълим мактабининг 9-синф ўқувчиси

Мактабимизга қарашли беш гектар ер майдони бор. Бир қисмида иссиқхона ташкил қилинган. Бўш қолдик дегунча, ўша жойга ошиқамиз, кўчатларни парвариш қилиб, суғорамиз.

Шунинг учун ҳам она тупроқ биздан ўз саховатини аямай келмоқда. Ҳар йили бир тоннагача мева-сабзавот етиштирамиз.

Ишонсангиз, ўтган йили эккан помидорларнинг донаси бир килогача тош босди. Ярмини бозорга олиб чиқдик. Пулига ўқув хоналари, спорт майдончаси учун керакли жиҳозлар харид қилинди.

Бу йилги ҳосил ҳам ёмон бўлмади. Синф раҳбаримиз Маҳбуба Раҳмонова билан келишиб, фойда ҳисобидан бадиий адабиётлар сотиб олиб, мактаб кутубхонасига совға қилдик. Бундай ташаббусдан устозлару ўқувчиларнинг боши кўкка етди. Барчаси беҳад миннатдор! Бизнинг эса, ғайратимизга-ғайрат қўшилган. Ҳа, боболаримиз "Меҳнат, меҳнатнинг таги роҳат", деб бежиз айтмаган экан.

» 1 SAVOLGA 1 JAVOB



**— Каратэ бўйича спорт устасиман. Мураббий сифатида ёшларни шуғуллантирмоқчи эдим. Бу ҳолатда қанча солиқ тўлайман?**

**Мафтуна СОҲИБОВА**
Китоб шаҳри

**Саволга Ўзбекистон Республикаси Солиқ академияси бўлими бошлиғи Акмал БОЗОРОВ жавоб беради:**

— Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 7 январдаги қарори билан тасдиқланган якка тартибдаги тадбиркорлар юридик шахс ташкил этмасдан шуғулланиши мумкин бўлган фаолият турлари сирасига жисмоний тарбия-соғломлаштириш фаолияти (шейпинг, аэробика, спорт секциялари, саломатлик гуруҳлари) ҳамда тренерлик хизматлари ҳам киради. Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига биноан, якка тартибдаги тадбиркорлар қатъий белгиланган солиқни тўлаши керак. Демак, сиз ҳам ҳар ойда энг кам иш ҳақининг бир баравари миқдорида солиқ тўлайсиз.

» O`QING, BU QIZIQ!

## Овқат ейилмасин!



Кипрда автомобиль бошқараётган пайтда сув ичиш, овқатланиш тақиқланади. Оддийгина шоколад еб кетаётган ҳайдовчи 85 евро жаримага тортилиши мумкин. Бу қоида рулда мобиль телефонда сўзлашишга тенглаштирилади.

## Тилимизнинг узунлиги қанча?

Инсон тилининг узунлиги 9 сантиметр, оғирлиги – 50 грамм. Бир дақиқада ўрта ҳисобда 80 марта ҳаракат қилади. Бу аъзо 9 мингга яқин бўртмачадан ташкил топган. Улар оғриқ, иссиқ ва совуқни сезиш, таъм билиш каби турли вазифаларни бажаради.

Аёлнинг тили ширин таъмни эркакникига қараганда 20 фоиз, нордонни эса, 10 фоизга кўпроқ сезади. Ҳар бир одамнинг тили индивидуал ва бетакрордир.

» BIR SHINGIL FALSAFA

**Адҳамбек АЛИМБЕКОВ**

### ЗАРБ
Юзига мушт тушганда ҳам киприк қоқмаган полвон юрагига урилган сўз зарбидан инграб юборди.

### Из
Тоза йўлакда пўрим кийинган, келишгангина бир киши кетиб бораётир. Аммо унинг излари қоп-қора.

### Капалак
Қисқа умрнинг қадрига етиб, бир-бирига озор бермай ўтади. Капалаклардан ҳам ибрат олса бўлади.

МУАССИС
ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ КЕНГАШИ
Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлигида 2017 йил 2 августда № 0242 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.
ISSN 2010-6998
БОШ МУҲАРРИР
Каримов Фахриддин Турдалиевич

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ
Камолиддин Бекназаров, Мансур Бекмуродов, Лазиз Тангриев, Мадамин Сафаров, Алишер Саъдуллаев, Дилмурод Набиев, Азим Мирзажонов, Нодир Абдуқодиров, Наргиза Умарова – бош муҳаррир ўринбосари ("Yoshlar ovozi"); Ирина Кочергина — бош муҳаррир ўринбосари ("Молодежь Узбекистана"); Елена Калинина – масъул котиб ("Молодежь Узбекистана").

Дизайнерлар
Рўзиев Зафар Ҳусанович
Абдуллаев Хуршид Ўктамжонович

Навбатчи
Акбаржон Абдураимов

«YOSHLAR OVOZI»дан материалларни кўчириб босиш таҳририят рухсати билан амалга оширилиши шарт. Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтарилмайди.

Газета материаллари таҳририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Таҳририят манзили: 100029, Тошкент, Матбуотчилар кўчаси, 32.
Телефонлар: (371) 150-22-74, (371) 233-95-97.
(371) 233-79-69 (факс).
E-mail: yoshlarovozi@umail.uz

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида, А-2 форматда чоп этилди. Ҳажми — 2 босма табоқ.
Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41.

Индекслар: 203, 3203
Баҳоси келишилган нархда.

Буюртма Г-236.
Адади — 28510

Босишга топшириш вақти — 21.00
Топширилди — 00.20
ЎзА якуни — 23.25

Офсет усулида босилган.

1 2 3 4 5